

олиши учун тутди. Бас, у ўзига назар солаётганимни кўрди ва:

«Эй биродаримнинг қизи, ажабланияпсанми?» деди. Мен:

«Ҳа», дедим. У:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, у (мушук) нажас эмас, у сизларнинг атрофингизда айланиб юрувчилардандир», деганлар, деди».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Ривоятда исмлари келган Абу Қатода розияллоҳу анҳу Кабша розияллоҳу анҳога қайната бўладилар. Абу Қатода у кишининг кунялари бўлган, исмлари Ҳарс ибн Робъи Ансорийдирлар. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг отларига қараб юрганлар.

Демак, бу ривоятда келган ҳодиса қайната билан келин орасида бўлиб ўтган. Бу ҳақда Кабша розияллоҳу анҳо қуйидагиларни айтадилар:

«Абу Қатода (уйимизга) кирди. Унга таҳорат суви қуйиб бердим».

Арабларда қайнатам, қайнанам каби сўзлар кам ишлатилади. Улар қайната, қайналарига нисбатан кўпроқ уларнинг исми ёки куняларини ишлатишга одатланганлар. Кабша розияллоҳу анҳо ҳам қайналарини куняси ила атамоқдалар. Демак, Абу Қатода розияллоҳу анҳу уйга кириб, таҳорат қилмоқчи бўлганлар ва келинлари Кабша розияллоҳу анҳо у кишига таҳорат суви қуйиб берганлар. Бу ўша вақтдаги мўмина-муслима келинларнинг одоб-ахлоқлари, қайналарини ҳурмат қилишлари, уларнинг хизматларини қилишларидан далолат беради.

«Бас, бир мушук келиб, ундан ичди. У эса идишни энгаштириб, унга ичиб олиши учун тутди».

Мушук келиб, таҳорат учун тайёрланган сувдан ичмоқчи бўлган. Абу Қатода розияллоҳу анҳу мушукнинг сув ичиши осон бўлиши учун идишни энгаштириб, унга тутган.

«Бас, у унга назар солаётганимни кўрди ва:

«Эй биродаримнинг қизи, ажабланияпсанми?» деди. Мен:

«Ҳа», дедим».

Шу ерда ҳам келиннинг одоби зоҳир бўлмоқда. Кабша бинти Каъб розияллоҳу анҳо қайнаталари таҳорат сувини мушукка тутиб беришини кўриб, ҳозирги баъзи келинларга ўхшаб, бидирлаб кетмадилар. Балки индамай, савол назари билан қараб турдилар. Қайната ўз келини ажабланаётганини англаб:

«Эй биродаримнинг қизи, ажабланияпсанми?» деди. Арабларда шунга ўхшаш «Эй биродаримнинг ўғли» истилоҳи ҳам кўп ишлатилади. Одоби келин гапни чўзмай, қисқа қилиб, «Ҳа», деди. Бу ажабланишда «Мушукка таҳорат сувини тутиб бериб, ундан қолган сув билан таҳорат қилса бўлаверадими?» деган савол бор эди.

Абу Қатода розияллоҳу анҳу нима учун шундай қилганларини қуйидагича баён этиб бердилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, у (мушук) нажас эмас, у сизларнинг атрофингизда айланиб юрувчилардандир», деганлар», деди.

Бу, мушук уй ҳайвони бўлганлиги учун доимо атрофингизда айланиб туради, шунинг учун унинг оғзи теккан нарса нопок бўлиб қолмайди, деганидир.

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Келинларнинг одоби ва қайнаталарига хизмат қилишлари лозимлиги.
2. Бир одамга бошқа одам таҳорат суви тайёрлаб бериши жоизлиги.
3. Одоб юзасидан савол бермай, савол назари билан қараб туриш айниқса, келинлар учун яхши эканлиги.
4. Савол назари билан қараб турган кишига жавоб бериш кераклиги.
5. Мушукнинг нажас эмаслиги.
6. Мушук теккан сувда таҳорат қилиш мумкинлиги.
7. Ислоннинг мусулмонларга енгиллик яратадиган дийн эканлиги.

Шу билан бирга, бу ва бошқа ҳадисларда мушук теккан сув ҳақидаги ривоятлар маълум ҳолатларга асосланганини ва мушук сичқон ҳамда шунга ўхшаш нарсаларни ейиши эътиборидан, уламоларимиз «Мушук

теккан сув макруҳ», деганлар. Яъни, мушук теккан сувдан бошқа сув бор бўлса, ўша бошқа сувда таҳорат қилган яхшироқ, деганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди